

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ  
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ  
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2024 йил сентябрь ойининг [REDACTED] кунин, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭДга қарашли 50-сонли манзил колонияси билан видеоконференцалоқа режими орқали ўтказилган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси [REDACTED],

ҳайъат аъзолари: судьялар [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], маҳкум [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2024 йил 16 августдаги маҳкум [REDACTED] н ўғлига нисбатан чиқарган ажрими устидан ҳимоячи [REDACTED] келтирган хусусий шикоятини илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2024 йил 16 августдаги ажримига кўра:

1993 йил 6 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, мукаддам судланган, “ [REDACTED] ”

тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Жиноят ишлар бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2024 йил 28 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддасининг 2-қисми, 59-моддасининг 8-қисмига асосан 3 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони манзил колонияларда ўташи белгиланган.

Суд ҳукми бўйича ундирилиши лозим бўлган сумма 2.595.000.000 сўмни ташкил қилади.

Маҳкум [REDACTED], биринчи минтақавий ҳудуд 50-сон манзил колониясига 2024 йил 12 март куни марказий тергов ҳибсхонасидан жазо муддатини ўташ учун, келган кунидан бошлаб ётоқ жой



ва иш билан таъминлаган. Муассасада ўрнатилган ички тартиб қоидалари ҳамда муассасанинг ҳудудий чегаралари билан ёзма равишда таништирилган.

Маҳкумнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталган жазо муддати 10 ой 6 кунни, ўталмаган жазо муддати 2 йил 2 ой 24 кунни ташкил этади.

Ҳимоячи [REDACTED] кассация тартибида тартибидаги шикоятда, [REDACTED] нисбатан чиқариш ажримни бекор қилиб, унга нисбатан жазони ижро этиш муассасасидан [REDACTED] анган йиғма жилдни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, уни тузиш йўлига ўтмаганлиги тўғрисидаги расмийлаштирилган хулосага ҳуқуқий баҳо бериб, ЖКнинг 74-моддасига асосан жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида ажрим чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, вилоят судининг судьяси [REDACTED] маърузасини тинглаб, Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED] ажримни ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, маҳкум [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] ажримни бекор қилиб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишни лозим топди.

Кассация инстанцияси суди мажлисида видеоконференцалоқа режими орқали ўтказилган суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум [REDACTED], содир этган жиноятини тўлиқ тушуниб етганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб илтимосномани қаноатлантиришни сўраб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкинлиги, оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 7-бандида, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, улар нафақат маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни асоссиз равишда рад этишга, балки асоссиз равишда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга ҳам йўл қўймасликлари лозимлиги, суд қонунда назарда тутилмаган асослар, жумладан, олдинги жиноятлари учун судланганлик ҳолати мавжудлиги, тайинланган жазо енгиллиги, маҳкум айбига иқрор эмаслиги, муайян жазони ижро этиш муассасасида қисқа вақт мобайнида бўлганлиги ва ҳ.к. бўйича жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этишга ҳақли эмаслиги, содир этилган жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси (унинг оғирлиги ва оқибатлари) ҳам



илтимоснома ёки тақдимномани рад этиш учун асос бўлмайди, чунки бу ҳолатлар жазо тайинланган вақтда инобатга олинган бўлиб, бундан ташқари, ЖК 73, 74, 89 ва 90-моддаларида назарда тутилган муддатлар белгиланиши мезони ҳисобланиши, 18-бандида, суд ажрими қонуний бўлиши, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома (илтимоснома)ни кўриб чиқиш натижасида суд чиқарган ҳулоса батафсил асослаб берилган бўлиши шартлиги, тақдимнома (илтимоснома) рад этилганда суд ажримида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш имкониятини истисно этувчи фактик ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлиши шартлиги, бундай ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосалар суд мажлисида текширилмаган маълумотларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД биринчи минтақавий ҳудуд 50-сонли манзил колонияси томонидан берилган тавсифномага кўра, маҳкум тузалиш йўлига ўтмаган деб тавсифланганиги, етказилган моддий зарар қопланмаганлиги, шунингдек, суд томонидан маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, унга нисбатан ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур бўлган жазо тайинланганлиги, жазолашдан қўзланган мақсадга уни тайинланган жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш орқали эришиб бўлмаслиги, маҳкумни тайинланган жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштирган тақдирда кегусида яна қасддан жиноятлар содир этишга мойилиги борлиги, унинг кегусида жиноий фаолиятини олдини олиш лозимлигини инобатга олиб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг енгироқ жазо турига амаштиришни рад этиш ҳақида хулосага келган.

Бирок ажримда илтимосномани рад қилиш асослантилмаган ва иш етарли даражада ўрганилмаган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди ишни кўришда [REDACTED] нисбатан 50-сонли манзил колониясида юритилган йиғма жилд ўрганиб чиқилмасдан, маҳкум [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] важларини тўлиқ текширмасдан, илтимосномани рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ваҳоланки, иш материалида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД биринчи минтақавий ҳудуд 50-сонли манзил колониясининг 2024 йил 27 июндаги 87-сонли баённомасига кўра, маҳкум [REDACTED] колонияда жазо муддатини ўташ давомида тарбиявий-профилактик тадбирларда тўғри хулоса чиқармаган, меҳнатга виждонан ёндашмай, тўғри тузалиш йўлига ўтмаган, деб тавсифланган(рўйхат №70).

Маҳкум [REDACTED] ҳимоячиси [REDACTED] томонидан кассация инстанцияси суди мажлисида тақдим қилинган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД биринчи минтақавий ҳудуд 50-сонли манзил колониясининг 2024 йил 27 июндаги 87-сонли баённомасига кўра, маҳкум [REDACTED] колонияда жазо муддатини ўташ давомида тузалиш йўлига ўтган деб тавсифланган(рўйхат №70).



Бундай ҳолда, биринчи инстанция судининг маҳкум [REDACTED] нисбатан чиқарилган ажримни қонуний ва асосли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Баён этилганларга кўра, [REDACTED] судлов ҳайъати, [REDACTED] нисбатан чиқарилган ажримни бекор қилиб, ишни янгидан бошқа суд таркибида кўриш учун юборишни лозим топди.

Биринчи инстанция суди мазкур ишни янгидан кўришда 50-сонли манзил колонияси томонидан маҳкум [REDACTED] илтимосномасини рад этилишга асос бўлган 2024 йил 27 июндаги [REDACTED] баённома ва ҳимоячи тақдим қилган 2024 йил 27 июндаги 87-сонли [REDACTED] омада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан хизмат текшируви тайинлаб, натижасига кўра, маҳкум [REDACTED] ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ҳолатлари батафсил текширилиб, тўпланган ҳужжатлар асосида якуний қарор қабул қилиниши лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 509<sup>12</sup>-моддалари талабларига амал қилиб,

а ж р и м      қ и л д и:

жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2024 йил 16 августдаги [REDACTED] нисбатан чиқарган ажрими бекор қилинсин.

[REDACTED] оид тўпланган иш ҳужжатлари жиноят ишлари бўйича Пискент туман судига янгидан кўриб чиқиш учун юборилсин.

Хусусий шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

[REDACTED]

ҳайъат аъзолари

ИМЗО

[REDACTED]

ИМЗО

[REDACTED]

Ажрим аслига тўғри

вилоят судининг судьяси

[REDACTED]

